



Тарихини англаган
миллат тақдирига
масъулиятли бўлади

2-с.

“Хонадон тинчлиги учун
баъзан қайнона,
баъзан келин бўламиз”

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№47
(2375)

2026 йил
13 июнь,
ШАНБА

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

**УЮШМА КУНДАЛИГИ
МАҲАЛЛА
РАИСИНИНГ
КУЧИ — БИЛИМ,
ТАЖРИБА ВА
МАСЪУЛИЯТДА**



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан Бўстонлиқ туманидаги “Ёшлар оромгоҳи”да пойтахтимиз маҳаллалари раислари учун ташкил этилган уч кунлик семинар якунланди.

Семинар давомида маҳалла раислари учун ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда ёшларнинг муаммоларини манзилли ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Маҳаллаларда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришда маҳалла институтининг ўрни ва масъулияти ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Муҳим мавзулардан яна бири — оилаларни мустаҳкамлаш ва ажралишларнинг олдини олиш масаласи бўлди. Унда маҳалла раислари оилавий низоларни барвақт аниқлаш, муаммоли оилалар билан манзилли ишлаш орқали оилавий барқарорликни таъминлаш бўйича тавсиялар олди.

Маърузалар давомида “Маҳалла бюджети” маблагларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, уларни сарфлашда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Маҳалла раисларига маблагларни режалаштириш, аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда устувор йўналишларни белгилаш, жамоатчиликка мунтазам ҳисобот бериб бориш юзасидан амалий тушунчалар берилди.

Шунингдек, маҳалла кенгаши, жамоатчилик комиссиялари, маҳалла тузилмалари ҳамда кўча ва уй бошилари фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари семинар иштирокчиларига атрофлича тушунтирилди.

Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли учун қулай ва замонвий яшаш муҳитини яратиш ҳамда маҳаллаларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш вазифаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

САМАРҚАНД МАҲАЛЛАЛАРИ: ТАҲЛИЛ, МУЛОҚОТ ВА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Самарқанд вилоятида бўлиб, “маҳалла еттилиги” фаолияти билан танишди.

Уюшма раиси Иштихон туманида сайёр қабул ўтказди. Унда саломатликни тиклаш, йўл таъмири, пиёдалар йулакларини қуриш, маҳалла биноларини жиҳозлаш, электр устунлари ўрнатиш, иш билан таъминлаш, маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш, фуқароликни олиш ҳамда бошқа қатор ижтимоий масалалар юзасидан мурожаатлар кўриб чиқилди. Мурожаатларнинг аксарияти тегишли мутасаддилар иштирокида шу жойнинг ўзида ижобий ҳал этилган бўлса, қўшимча ўрғаниш талаб қиладиган масалалар бўйича аниқ муддатлар ва масъуллар белгиланди.

Мулоқотларда ёшларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги ва янгича гоёлари эътиборни тортди. Улар билдирган таклифларда ўз келажаги, маҳалласи ва юрт тарақиётига дахлдорлик ҳисси яққол намоён бўлди. Шунинг учун Иштихондаги барча маҳаллаларда кутубхоналар ташкил этилиб, ёшларнинг ёзги таътил вақтларини мазмунли ўтказиш чоралари белгиланди. Мазкур кутубхоналарнинг ҳар бирига Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси 200 тадан китоб тақдим этади.

Давоми 2-саҳифада.



“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?



“Чекка ҳудуд”, деган тушунча харитада бордир, аммо тафаккурда йўқ!

Маҳалла — жамиятнинг энг яқин, энг таъсирчан ва энг амалий бошқарув нуқтасидир. У ерда қабул қилинадиган қарорлар қоғозда эмас, бевосита одамларнинг турмушида, кайфиятида ва келажакка бўлган ишончда акс этади.

“Жийдабулоқ” маҳалласида кейинги даврда шакланган натижалар айнан шу қарашнинг амалий тасдиғидир. Бу ерда муаммолар рақам сифатида эмас, инсон тақдири сифатида кўрилади; ечим-

лар ҳисобот учун эмас, ҳаётни ўзгартириш учун ишлаб чиқилади. Шу ёндашув маҳалла бошқарувида янги масъулият маданиятини шакллантирди.

Энг муҳими, бу тажриба бир ҳақиқат-

ни янада аниқроқ кўрсатди: маҳалла тарақиёти имкониятлар қўлами билан эмас, балки бошқарувдаги масъулият, аҳоли билан ишлашдаги самимият ва жамоадаги ишонч муҳити билан белгиланади. Агар маҳаллада шакланган иш услубини бир формула билан ифодалаш мумкин бўлса, у қуйидагича шаклланади: “ишонч + ҳаракат = натижа”. Бу шунчаки ифода эмас, амалда ўз исботини топган маҳалла кодексидир.

Давоми 2-саҳифада.

**МАСЪУЛИЯТ БЎЛСА,
МАБЛАҒ ҲАМ,
ИМКОНИЯТ ҲАМ
ТОПИЛАДИ**

Маҳалла доирасида одамларни даромадли қилиш ҳақида гап кетганда, дастлабки йилларда бу имконсиздек кўринган эди. Ахир кичик ҳудудда қанча иш ўрни очиш мумкин, деб ўйлардик.



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар бунинг аксини кўрсатди. Биргина томорқачилик йўналишида қатта натижаларга эришдик. Аввал томорқадан фақат ўз эҳтиёжи учун фойдаланган одамлар бугун кичик майдондан яхшигина даромад топяпти.

Давоми 3-саҳифада.



5
**ПАНЖАРА
ОРТИДАГИ
УМИД УЧҚУНИ:
ХАТОДАН
КЕЙИН ҲАМ
ҲАЁТ БОР...**



6
**ҲАР КЎНГИЛГА
МУРУВВАТ
ЭНГ МАЪҚУЛ
МАЛҲАМ**

МАҲАЛЛА ИФТИХОРИ

**“ЎҒЛИМНИНГ ЮТУҚЛАРИ
ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗ
ДУОСИ, ПРЕЗИДЕНТНИНГ
МЕҲР ВА ЭЪТИБОРИ БОР!”**



3-саҳифада.



ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА гиёҳвандликка қарши курашиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоралари тақдимот қилинди.



Давлатимиз раҳбари онкологик ва гематологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ билан танишди.



Ўзбекистонга жалб қилинган ҳар бир ХОРИЖЛИК САЙЁҲ УЧУН авиакомпанияларга 100 доллар субсидия берилади.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”



СУРХОНДАРЁ

ЖАРАЁН

САМАРҚАНД МАҲАЛЛАЛАРИ: ТАҲЛИЛ, МУЛОҚОТ ВА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ташриф доирасида Қахрамон Қуронбоев Самарқанд шаҳридаги “Орзу” маҳалласи “еттилиги” фаолияти билан яқиндан танишди. Уларнинг ишга келиб-кейтиш интизоми, фуқаролар муносабатлари билан ишлаш ҳолати, амалга оширилаётган ишлар ва фаолият самарадорлиги танқидий-таҳлилий руҳда кўриб чиқилди.

Урганишлар давомида маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш борасида ҳали тизимли ишлар ташкил этилиши лозимлигига алоҳида ургу берилди. Бу йўналишларда амалий натижадорликни ошириш, аҳолининг даромад манбаларини кенгайтириш ва турмуш фаровонлигини юксалтириш муҳим вазифалардан бири экани таъкидланди.

Шунингдек, ҳудуддаги Китобхонлик павильонида ёшлар учун яратилган шароит ва имкониятлар урганилди. Шу ерда Болалар ташкилоти аъзолари, Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари ҳамда “Profі Deutsch” ўқув маркази тингловчилари билан мулоқот бўлиб ўтди. Қўзлариде ишонч, қалблариде эзгу орзу ва юксак мақсадлар мужассам бўлган кўнрақнинг теран фикрлари, билимга чанқоқлиги ва келажакка интилиши катта таассурот қолдирди.



Навбатдаги манзил — Булунғур туманидаги “Олмазор” маҳалласи бўлди. Бу ерда “маҳалла еттилиги” аъзолари билан очиб ва самимий мулоқот ўтказилди. Жараёнда маҳалла биносида яратилган шарт-шароитлар урганилиб, аҳоли билан ишлаш самарадорлигини ошириш учун моддий-техник базани янада мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Хусусан, маҳаллада замонавий кутубхона ташкил қилиш, компьютер жижҳазлари билан таъминлаш ва ходимлар учун янада қулай иш муҳитини яратиш режалаштирилди. Зеро, муносиб иш шароити масъулларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳоли муносабатлари билан ишлаш сифатини яхшилашга хизмат қилади. Шундан сўнг ҳудуддаги футбол ўйингоҳи ҳолати кўздан кеңирилди. Айниқса, бу ерда болалар ва ёшларнинг катта қизиқиш билан машғулотлар ўтказиётгани, турили муносабатларда иштирок этаётгани эътиборга моликдир.

Мулоқотлар давомида аҳолини иш билан таъминлаш, оилалар даромадини ошириш, инфратузилмани яхшилаш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди. Шу билан бирга, ҳудудларни янада обод қилиш, аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда маҳаллаларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш бўйича келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.



“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Чекка ҳудуд”, деган тушунча харитада бордир, аммо тафаккурда йўқ!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ўткир ЭШМАТОВ, Узун туманидаги “Жийдабулок” маҳалласи раиси.

Йил бошида маҳалламизда 13 нафар ишсиз фуқаро мавжуд эди. Уларга статистика ёки ҳисобот кўрсаткичи сифатида қарама-диқ. Ҳар бирининг ҳаётини вазияти, қизиқиши ва имкониятини ургандик. Кимдир тадбиркорлик қилишни истади, кимдир муайян касбни эгаллашга ҳаракат қилди, яна кимдир доимий иш ўрнига муҳтож эди. Натижада барча 13 нафар фуқаро бандлиги таъминланди. Уларнинг баъзилари имтиёзли кредит асосида ўз бизнесини йўлга қўйди, айримлари иссиқхона ташкил этди, яна бошқалари доимий иш ўринларига жойлаштирилди.



Бу ерда бир муҳим жиҳат бор. “Бандликни таъминлаш”, дегани фақат иш топиб бериш эмас. Инсонга ўз имкониятини кўришга ёрдам бериш ҳамдир. Чунки барқарор даромад инсоннинг нафақат иқтисодий аҳволини, ўз кучига бўлган ишончини ҳам мустаҳкамлайди.

Камбағалликни қисқартириш борасида ҳам биз умумий ёндашудан кўра манзилли ишларни устун қўйдик. Рўйхатда турган учта оиланинг ҳар бири билан алоҳида иш режаси тўзилди. Чунки камбағалликнинг ҳамма учун бир хил йўриқномаси йўқ. Бир оилага кредит ёрдам берса, бошқасига касб-ҳунар ургатиш, яна бошқасига томорқадан самарали



фойдаланиш имкони кўпроқ натижа бериши мумкин. Натижада ушбу оилаларнинг барчаси даромад манбаига эга бўлиб, ҳаётга бўлган ишончи янада мустаҳкамланди.

“ТОП-100” талик рўйхатдан жой олишимизга сабаб бўлган муҳим омиллاردан яна бири — маҳалладаги ижтимоий муҳитдир. Бугун “Жийдабулок”да одамлар бир-бирини нафақат танийди, балки бир-бирининг дардига ҳам шерик бўлади. Бу ерда қўшничилик муносабатлари расмий тушунча эмас, ҳаёт тарзидир. Шу боис бир неча йилдан буён жиноятчилик ва оилавий ажралишлардан холи ҳудуд макрomini сақлаб келяпмиз.



Бунинг ўзига хос тажрибаси бор. Аввало, ҳар бир муаммони катталашиб кетишидан олдин аниқлашга ҳаракат қиламиз. Нурунийлар, “маҳалла еттилиги” вакиллари, отинойилар иштирокида “хонадонбай” мулоқотлар мунтазам ташкил этилади. Айниқса, ёш оилалар билан ишлаш, уларга маслаҳат ва кўмак бериш яхши самара бермоқда.



Бугун маҳаллада аҳоли муносабатлари билан ишлаш тизими ҳам самарали йўлга қўйилган. Утган даврда “маҳалла еттилиги”га йўналтирилган 112 та муаммоли масаланинг барчаси ижобий ҳал этилди. Айрим муносабатлар бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди, баъзиларида тегишли ташкилотлар жалб этилди, кўпчилик масалалар эса маҳалланинг ўзида оқилона мулоқот ва ҳамжиҳатлик орқали ечимини топди.

Ишонч билан таъкидламоқчиманки, бугун маҳалла институти янги босқичга чиқмоқда. Энди маҳалла фақат маълумотнома бериувчи ёки тадбир ўтказувчи тузилма эмас. У ҳудуд ривожланишининг бош ташаббускорига айланиши лозим. Бунинг учун маҳаллаларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рақамли бошқарув шакллари янада кучайтириш муҳим.

Умуман олганда, “Жийдабулок” тажрибаси бир ҳақиқатни кўрсатди: “Чекка ҳудуд”, деган тушунча харитада бўлиши мумкин, аммо тафаккурда бўлмаслиги керак. Агар инсонларда ҳаракат бўлса, ҳар қандай ҳудуд имкониятлар масканига айланади. Биз эришган натижаларнинг энг муҳим сабоғи ҳам шу.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

ТАРИХ ВА БИЗ

Тарихини англаган миллат тақдирига масъулиятли бўлади

Мамлакатимизда “Музейлараро 90 кун” маънавий-маърифий саёҳат лойиҳаси бошланди.



Ташаббус Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унинг доирасида маҳалла фаоллари, ёшлар, ўқувчилар, талабалар ҳамда педагоглар мамлакатимизнинг муҳим тарихий ва маънавий масканларига ташриф буюриб, миллий тарихимиз, буюк аجدодларимиз мероси, Ватан ҳимоячилари хотираси ҳамда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлаётди.

Саёҳатлар қуйидаги манзилларда ташкил этилмоқда:

- Темирийлар тарихи давлат музейи;
- Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуаси;
- Ғалаба боғи ёдгорлик мажмуаси;
- Ўзбекистон тарихи давлат музейи;

Лойиҳа доирасида 150 минг нафар фуқарони қамраб олиш режалаштирилган. Хусусан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 868 та маҳалладан 72 минг 450 нафар аҳоли, 61 минг 400 нафар мактаб ўқувчиси, 1 250 нафар олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, 6 минг нафар касбий таълим ташкилотлари ўқувчилари иштирок этади.

— “Музейлараро 90 кун” лойиҳаси бўйича Сергели тумани маҳаллалари вакиллари биринчилардан бўлиб Ғалаба боғи ташриф буюрдик, — дейди Сергели туманидаги “Қўбайтепа” маҳалласи раиси Фаризод Мусаева. — Биласизми, ташриф доирасида бу боғ бизга нақадар зарур эканини ҳис қилдик. Айниқса, Ғалаба боғи фарзандларимизга дориламон кунларда, бахтли ҳаётда яшаётганини доимо эслатиб туриши билан аҳамиятлидир. Маҳалламиз ахлини лойиҳада фаол иштирок этишга тарғиб қиламиз.

Ўзбекистон тарихи давлат музейида ташкил этилган навбатдаги саёҳатда таълим муассасалари ҳамда маҳаллалардан ташриф буюрган иштирокчилар музейда сақланаётган ноёб ашёлар ва тарихий ёдгорликлар билан яқиндан танишди. Уларга Ўзбекистон ҳудудда қадимдан шаклланган цивилизациялар, давлатчилик тарихи, миллий маданият ва халқимизнинг бой тарихий меросига оид намуналар ҳақида маълумотлар берилди.

“Музейлараро 90 кун” лойиҳаси ёшлар ва кенг жамоатчиликнинг тарихий хотирасини мустаҳкамлаш, маънавий дунёқарошини бойитиш ҳамда ватанпарварлик туйғуларини янада юксалтиришга хизмат қилади.



Ўзбекистонда ИШ ТАШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ қонунчиликда белгилаб қўйилди.



Тошкент — Андижон ва Тошкент — Термиз йўналишларида ЮКОРИ ТЕЗЛИКДАГИ ПОЕЗДЛАР ҳаракати йўлга қўйилади.



Ўзбекистонда БАЛИҚ ЕТИШТИРИШ ҲАЖМИ йилига 500 минг тоннадан оширилади. 2025 йилда 206 минг тонна балиқ етиштирилган.

2026 йил 13 июнь, ШАНБА

Mahalla №47

3

“ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ”

МАҲАЛЛА ИФТИХОРИ

“Ўғлимнинг ютуқлари замирида халқимиз дуоси, Президентимизнинг меҳр ва эътибори бор!”

...Ботаётган қуёшда ҳам ўзига яраша нур бўлади. “Пахтакор” 2021 йилда Осиё чемпионлиги тарзда тарқатган эди. Эътиборлиси, ўша оқшомда ёшгина бир футболчи юлдуздек порлаганди. Ҳа, кўпчилик ўшанда Аббос Файзуллаев, деган ўйинчини кашф этганди...

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.
Орадан кўп ўтмай, бу ном мутахассису мухлислар тилида янграй бошлади. Унинг чинакам машҳурлик даври футбол бўйича U-20 Осиё кубогидан кейин бошланди, десак янглишмаймиз. Бу мусобақада вакиллари миз голиб чиққан бўлса, Аббос чемпионатнинг “Энг яхши футболчиси” деб топилди. Кичик жуссали, лекин тезкор йигитнинг ҳаракатларига қараб, уни “Ўзбек Месси”си, деб ҳам таърифлай бошлашди.

Аббоснинг ўсиш ва ривожланиш жараёнидан ҳамма хабардоримиз. Бугун Туркиянинг “Башакшехир” клубининг етакчилардан бирига айланган миллий терма жамоамиз аъзоси Мексика, АҚШ ва Канада давлатлари мезбонлик қилаётган Жаҳон чемпионати кашфиёти бўлиши кутиляпти. Аббос Файзуллаевнинг илк футболга кириб келиши тасодиф бўлмаган. У болаликдан миллионлар ўйинини ахши кўрган. “Тўрт ёшимдан бошлаб дўстларим билан кўчада футбол ўйнардим. Доимо тўпни йўқотиб қўярдим. Ҳар ҳафта додам йўқотиб бозорга бориб, янги тўп харид қилардик”, дея ўша кунларни хотирлайди.

Терма жамоамизнинг ёш ва умидли вакили Сайхунбод туманидаги “Гулистон” маҳалласида туғилган. Ун ёшигача шу ерда яшаган. Сунгра тоғаси уни Тошкентга олиб келган. — Маҳалламиздан шундай маҳоратли ўйинчи чиққанидан фахрланамиз, — дейди “Гулистон” маҳалласи раиси Уткир Эргашев. — Аббосбек ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан тенгдошларига ибрат ва намуна бўляпти. Бугун унга ҳавас қилган ёшлар жуда кўп. Муҳими, умидли юлдуз ўйинчимиз камтарлиги билан алоҳида ажралиб туради. Маҳалланинг ҳар қандай тадбирида фаол қатнашади.



— Болаликда футболга жуда қизиққан, — дейди отаси Саиджон Қодиров. — Ақлини танигандан бери, тўп билан бирга “яшайди”.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Масъулият бўлса, маблағ ҳам, имконият ҳам топилади

Давоми.
Бошланғичи 1-саҳифада.

“Ўсиш нуқта” миз — деҳқончилик ва тадбиркорликни ривожлантириш ординат ишсизлик ва камбағаллик кескин қисқарди. Деярли барча хонадонда иссиқхона мавжуд. Бир мавсумда 3 марта ҳосил олишади. Улар етиштирган маҳсулотлар кишининг совуқ кунларида ҳам халқимиз дастурхонига етказиб берилляпти.

Йиқилганни суяш, кўмак бериш — халқимизга хос анъаналардан. Бугун бу эзгу ишлар умумхалқ ҳаракатига айланиб борапти. Ижтимоий ҳимоя янада кучайтирилиб, оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланыпти.



Шухратжон ТўРАБОЕВ,
Чортоқ туманидаги “Тинчлик” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда яшовчи Робия Нарзуллаева 2-гуруҳ ногирони, турмуш ўртоғи турли сабабларга кўра ишсиз қолди. Лекин ҳалол меҳнат қилиб, фарзандларига яхши таълим-тарбия берди. Албатта, кийинчиликлар бўлди. Шундай шароитда уларга маҳалла-кўй ёрдам қилди. Имтиёзли кредит эвазига оила даромад манбаига эга бўлди. Уй-жойи таъмирлаб берилди. Лекин фақат ёрдам беравериш ҳам тўғри тадбир эмас. Шу боисдан бу каби оилаларнинг

ишсиз вакиллари бандлиги таъминланяпти. “Кўлдан берганга қуш тўймас”, дейдилар. Имконияти чекланган бўлса-да, аҳолига қўлимиз билан бериб, уларни дангасаликка ўргатмасдан, фойдали иш билан банд бўлишини таъминлашга эришяпмиз. Шу тарафда 60 на-

фар ишсиз фуқароларни иш билан таъминлади. Бугунга келиб, ишсизлик ва жиноятчиликдан холи ҳудудимиз. Яқинда Умиджон Саидматов тадбиркорликни бошлаш мақсади билан мурожаат қилди. Агар у худудимизда савдо ва хизмат кўрсатиш йўнали-

шида фаолиятини йўлга қўйса, ўндан зиёд иш ўрни яратишини айтиб, йўл-йўриқ сўради. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида унга молиявий ёрдамлашдик. Отабек Орифонов чорвачилик йўналишида иш бошлаб, хонадонда зотдор 10 бош қўй боқмоқда. Шавкат Умаров “Arashan” зотли қўйлар парваришини йўлга қўйган.

Эътиборли жиҳати, фаолиятнинг дастлабки босқичида унга имтиёзли кредит асосида 10 бош зотдор қўй олиб берилганди. Ёш тадбиркор яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, қисқа вақт ичида наслдор қўйлар сонини бир неча баробарга кўпайтиришга эришди.

“Arashan” зотли қўйларнинг бозор қиймати 100 доллардан 10 минг долларгача баҳоланмоқда. Бу эса мазкур йўналишнинг иқтисодий самарадорлиги юқори эканини кўрсатади. Маҳалла ахли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам фаол иштирок этапти. Бу эса худуднинг янада чиройли ва файзли бўлишига хизмат қилляпти.

КИЧИК ЛОЙИХАДАН КАТТА НАТИЖА

Баҳона эмас, чора топиш барча муаммолар ечими бўлди


Аслида, ҳар бир инсонда қандайдир иқтидор, қобилият бўлади. Шу йилт этган умидни алагалатиш аτροφдаги яқинларга боғлиқ. “Еттилик” ходимлари ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда мана шу жиҳатга алоҳида эътибор беряпмиз. Кимда қандай қизиқиш бўлса, шу йўналишда кўмак кўрсатяпмиз.

Умуман “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 20 нафар рўйхатдаги аҳоли камбағалликдан чиқарилди. Оилаларнинг томорка ерида экин экиш имконияти яратилди. Айниқса, “Ўсиш нуқта” миз — савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишида унлаб янги иш уринлари яратилди. Натияжада 2026 йил давомида камбағаллик даражаси 5 фоиздан 1,8 фоизга пасайтирилди, ишсизлик тўлиқ бартараф этилди.

Жараёнда “фуқаробай” ҳамда “хонадонбай” ишлаш бўйича ўзига хос тажриба яратдик. “Барқарор келажак сари” дастури доирасида кредит маблағлари ажратилиш ҳисобига ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуслари қўллаб-қувватланди ва бандлиги таъминланди. Айни кунларда хайрли ташаббус бошланяпти. “Меҳнатсевар аёл” дастури йўлга қўйилиб, бу орқали хотин-қизлар, айниқса, уйдан ташқарида ишлай олмайдиган ногирон фарзанди, доимий парваришга муҳтож кекса ота-онаси бор, кўп болали оналар ишга жойлашишга эришамиз.

Имконияти чекланган фуқаролар учун меҳнат бозорига тенг шароит яратиш бериш учун “Тенг имкон — инклюзив бандлик” дастури жорий этиб, бу орқали ногиронлиги бўлган шахслар банд этилиши ҳам

қўзда тутилган. Улар ақлий меҳнат билан боғлиқ касбларга ўқитилиб, иш шароитида зарур бўлган жиҳозлар билан таъминланди. Умуман олганда, бу каби саъй-ҳаракатлар эвазига маҳалламиз 2026 йил якунига қадар тўлиқ камбағаллик ва ишсизликдан холи худудга айланади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Азамат ҲУСАИНОВ,
Қарши шаҳридаги “Араловул” маҳалласи ҳокими ёрдамчиси.

Кечагина ишсиз сифатида рўйхатда турган Сарвиноз Эрқулова имтиёзли кредит олиб, ўз тикувчилик бизнесини йўлга қўйди. Бугун ояига 10 миллион сўмдан ортиқ даромад топиш баробарида, маҳалладошларининг бандлигини таъминляпти. Иш бошлаганида кўпчилик унинг имкониятларига шубҳа билан қараган эди. Аммо матонат ва меҳнат билан барчасини енгиб ўтди. Кичкина шаҳарнинг бир аёли берилган имкониятлардан тўғри фойдаланди ҳамда ўз ҳаётини ўзгартиришга муваффақ бўлди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ҚИМЛАР “КАМБАҒАЛ ОИЛА” РҲҲАТИГА КИРАДИ?

Нурмирза ДЕҲҚОНОВ. Нишон тумани:
— **Оилада 5 киши яшаймиз. 3 нафар фарзандим ҳамда аёлимнинг ёлғиз боқувчисиман. Маошим 3 миллион сўм. Шу вазиятда “камбағал оила” сифатида рўйхатга кирсак бўладими?**



Лазиз ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходими:
— Қўнунчиликка кўра, оила аъзоларига тўғри келадиган ўртача ойлик даромад 715 минг сўмдан кам бўлса, бундай оила “камбағал оила” сифатида Ижтимоий реестрга киритилиши мумкин. Буни аниқлаш учун оиланинг бир ойлик расмий даромадлари ҳисобланади. Кейин у оила аъзолари сонига бўлинади. Натияжа 715 000 сўмдан кам чиқса, бу — “камбағал оила” ҳисобланади. Бу тоифадаги инсонлар бир қатор имтиёзга эга бўлади. Жумладан, ўз бизнесини бошлаш учун асбоб-ускуналар хариди учун субсидия олиши мумкин. Субсидия учун аризалар маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (пу.gov.uz) ёки “Онлайн маҳалла” платформаси орқали топширилади.



Ўзбекистонда замонавий оилаларда энг кўп учрайдиган муаммо сифатида ТЕЛЕФОН, ИНТЕРНЕТ ВА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ ТАЪСИРИ қайд этилди.



Ўзбекистонда суд аппарати ходимлари ОЧИҚ ТАНЛОВ АСОСИДА ишга қабул қилинади.



СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ: 2026 йил 1 январь ҳолатига қўра, Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 29,5 ёшни ташкил этди.

4

Mahalla №47

2026 йил 13 июнь, ШАНБА



“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”



“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Оиладан кетиш осон, оқибатидан қочиб бўлмайди”

Эътирофга лойиқ бўлиш осон эмас. Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш керак. Айниқса, маҳалла тизимидаги муаммоларни бартараф этиш алоҳида ёндашув талаб қилади. Биз ҳам “еттилик” вакиллари билан шу йўлда белни маҳкам боғлаганимиз. Тинимсиз саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, бугун энг фаол маҳаллалар сафидамиз.



Салтанат ҚОРАБЕКОВА, Зомин туманидаги “Ёшлик” маҳалласи раиси.



Худудимизда охириги уч-тўрт йилдан буён умуман жиёвот содир этилмаган. Бу натижага эришишда профилактика инспекторининг жонбозлиги, маҳалла ходимларининг фидойчилиги ҳамда олиб борилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари катта аҳамият касб этади. Ҳеч қачон хонадонларни айланшидан чарчамаймиз. Фуқароларнинг асосий эътиборини меҳнат қилишга, фаровон турмуш кечиришга қаратиб, салбий иллатлар ҳақида ўйлашига имкон қолдирмаяпмиз. Жорий йил бошида ишсиз сифатида 24 нафар киши рўйхат-

га олинган эди. Қисқа муддат ичида уларнинг муносиб шароитларда меҳнат қилишини таъминладик. Одамлар тўкин-сочин ҳаёт кечириши учун ўзлари ҳаракат қилиши кераклиги ағлаб етаётганидан хурсандимиз. Оилалар мустаҳкамчилигини таъминлаш буйича ҳам кўрсаткичларимиз яхши. Имкон қадар низоли келин-куёвларни яраштиряпмиз. Мазкур жараёнда икки ёки уч нафар фарзанди билан ота уйига қайтиб келган айрим аёлларда “эримнинг бола парвариши учун берадиган пулига бемаъл кун кечирамиз”, деган хато қараш устунлик қилляпти. Назаримда, аини масала буйича қонунчиликка бироз

ўзгартириш киритиш керак. Ажрашиш сари ташланган қадам эр-хотин иккисига бирдек таъсир кўрсатиши керак. Фарзандлари тақдири, ўзининг келажagini ўйламаганларга чекловлар орқали таъсир кўрсатиш — энг тўғри йўл, назаримда. Аини вақтда маҳалламиз катта ўзгариш ва янгиланишлар бўсағасида турибди. Худудимизда туризмни ривожлантириш мақсадида қурилиш ишлари бошланган. Қишлоқнинг қадимий кўринишини сақлаб қолиш асосида замонавий маданият саройи барпо этиш режалаштирилган. Қолаверса, тез орада тадбиркорлар ташаббуси билан меҳмон уйлари қад ростлайди.

Маҳалладаги кичик бир ўзгариш ҳам аҳоли ҳаётига катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш кўламининг кенгайиши янгидан-янги иш ўринларини яратди. Қолаверса, хизмат кўрсатиш сифати ортади. Шундай экан, биз доим изланиш ва олға ҳаракат қилиш йўлини танлаймиз.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Тушкунлик эмас, тадбиркорлик — тўғри танлов

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, улар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оилалар турмуш тарзини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар Вобкент туманида ҳам изчил олиб борилмоқда.



Дилором КАМОЛОВА, Вобкент туманидаги “Дўстлик” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Яратилаётган имкониятлар, айниқса, синовларга дуч келган, ҳалол меҳнати, интилиши билан ҳаётда ўз ўрнини топаётган аёллар учун янги имкониятлар очмоқда. Маҳалламизда истикомат қилувчи Азиза Ражабова ҳам ана шундай иродали ва меҳнатсевар аёллардан бири. Икки нафар фарзандини ёлғиз тарбиялаб келаётган хонадон соҳибаси ҳаётнинг турли синовларига қарамай, тушкунликка берилмади. Аксинча, ўзидаги салоҳият ва касбий маҳоратни ишга солиб, тикувчилик йўналишида фаолият юритиб, тирикчилик ташвишларини енгмоқда. Маҳалла фаоллари ва мутасадди ташкилотлар кўмаги, шунингдек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида яратилган имкониятлар Азиза Ражабова ташаббусини рўёбга чиқа-

ришда муҳим омил бўлди. Унга имтиёзли тартибда ажратилган 30 миллион сўм кредит маблағи эвазига зарур тикув ускуналари харид қилиниб, фаолиятини кенгайтириш имконияти яратилди.

Бугунга келиб Азиза Ражабова буюртмалар асосида тикувчиликни йўлга қўйиб, хўжалик учун сумкалар тикиб, оиласига барқарор даромад манбаини шакллантирган.

Эътиборлиси, у ўз меҳнати билан фарзандлари учун муносиб шароит яратмоқда, уларга ҳалол меҳнат, касб-хунар ва мустақил ҳаёт кечиришнинг қадрини ҳам сингдириб келмоқда. Матонатли аёлнинг ҳаёт йўли шунини кўрсатмоқдаки, муваффақиятга эришишда энг муҳим омиллардан бири, бу — меҳнатсеварлик, сабр-тоқат ва ўз кучига бўлган ишончдир.

ДАРОМАД МАНБАИ

Чинакам меҳр берсанг, ер ҳам сени сийлайди

Боёвут туманидаги “Янгибўстон” маҳалласида яшовчи Сулаймоновлар оиласи томорқадан самарали фойдаланиб, турмуш фаровонлигини таъминлашга эришмоқда. Хонадон соҳибаси Меҳринисо Сулаймонова ва келини Азиза Сулаймонованинг меҳнати натижасида кичик ер майдони барқарор даромад манбаига айланган.

Хонадоннинг 4 сотихли иссиқ-хонасида февраль ойидан буён помидор, бодиринг, булғор қалампир, саримсоқ пиёз ва турли кўкатлар парваришланмоқда. Етиштирилган маҳсулотлар маҳалла аҳолисига етказиб берилляпти. Шунингдек, 8 сотих майдондаги картошқадан ҳам утган йилга нисбатан мўлроқ ҳосил олинди. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, оила бюджетга қўшимча маблағ киритиш имконини бермоқда. — Томорқа биз учун нафақат даромад манбаи, балки оиламиз тирикчилиги, меҳнатимиз самараси ва келажакимизга қўйилаётган ишончли сармомиядир, — дейди хонадон соҳибаси Меҳринисо Сулаймонова. — Ерга ҳар қанча меҳр берсанг, у ҳам сени шунча сийлайди.



Меҳринисо опа, келини Азиза томорқачилик билан бирга пиллачилик билан ҳам шуғулланади. Бу эса оиланинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қил-

моқда. Бугун мазкур хонадонда меҳнат маданияти, тадбиркорликка интилиш ва ердан унумли фойдаланиш тажрибаси ёшлар учун ҳам ибрат мактабига айланган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, томорқачилик аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадни ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, кичик майдонларда иссиқхона ташкил этиш, такрорий экинлар экиш ва интенсив усуллари қўллаш орқали юқори иқтисодий самарага эришиш мумкин. “Янгибўстон” маҳалласида Сулаймоновлар сингари меҳнаткаш оилалар сонини ортиб бораётгани эса томорқачиликни ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг амалий натижасини кўрсатмоқда. Зеро, томорқа, бу — шунчаки ер майдони эмас, балки оила фаровонлиги, барака ва келажакка ишонч манбаидир.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХҲУЖАЕВА тайёрлади.

Ғуллом ПРИМОВ, журналист.



2026 йил 1 июлдан бошлаб, янги объектлар бўйича лойihalаштириш ва қурилиш-монтаж ишларини БИР ВАҚТДА АМАЛГА ОШИРИШ АМАЛИЁТИ бекор қилинади.



Диний-маърифий йўналишдаги магистр ва докторантлар учун "ИСЛОМ МАЪРИФАТИ" СТИПЕНДИЯСИ жорий этилади.



Статистика қўмитаси маълумотига қўра, Ўзбекистонда ЭРКАКЛАР УРТАЧА 25 ЁШДАН, АЁЛЛАР 21 ЁШДАН ЎТИБ ОИЛА ҚУРМОҚДА.

2026 йил 13 июнь, ШАНБА

Mahalla №47

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА ҚўМАКЧИ

ИЧКИ ИҚТИДОР БАЪЗАН БИР ОФИЗ ДАЛДАГА МУҲТОЖ БўЛАДИ

Касбимизни “шунчаки иш”, деб билмайман. Чунки ҳар бир йигит-қиз билан бўлган суҳбат, бу — янги ғоя, янги имконият ва баъзан бутун бир ҳаёт йўналишининг бошланиши бўлиши мумкин.

Муҳаммадҷон МАМАСОДИҚОВ, Денов туманидаги “Оловуддин” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ёшлар етакчиси сифатида ҳар куни турли феъл-атвордаги, турли орзудаги йигит-қизлар билан учрашаман. Кимдир иш қидиради, кимдир ўқишга интилади, яна кимдир ичида катта ниятни олиб юради-ю, лекин қаердан бошлашни билмайди. Мен учун энг муҳим вазифа — ана шу ниятни амалий натижага айлантириш.

Бир куни маҳалламиздаги ёшлар билан навбатдаги учрашувда Анвар Хусанов исмли йигит эътиборимни тортди. Кўпчилик каби у ҳам “ишга жойлашсам бўлди”, деган фикр билан келмаганди. У: “Ер бор, лекин ундан қандай фойда олишни билмайман”, деди. Шу гапнинг ўзида имкониятни кўрдим. Биргаликда ҳисоб-китоб қилдик, бозор талабини ўргандик ва қизиқарли ғояга тўхтадик — қарамчилик. Кўпчилик бу ишни оддий деб ўйлайди, аммо бу йўналишнинг ўз услуби бор. Анвар имтиёзли кредит асосида 50 сотих ерга қарам экишга қарор қилди.

Бошланиши осон бўлмади. Биринчи муаммо — сув тақсими ва вақтни тўғри режалаштириш бўлди. Кейин эса бозордаги нарх ўзгариши ҳақида ўйлашга тўғри келди. Лекин энг қизиқ томони шунда бўлдики, Анвар оддий усулдан воз кечди — у интернет орқали бошқа ҳудудлардаги фермерларнинг тажрибаларини ўрганди, сугоришда суви тежовчи усуллардан фойдаланди ва ҳосилни бир йўла эмас, босқичма-босқич бозорга чиқаришни йўлга қўйди.



Натижа кутганимиздан ҳам яхшироқ бўлди. Бир мавсум ичида у нафақат харажатларини қоплади, балки кейинги мавсум учун мустақил режа тузадиган даражага чиқди. Энг муҳими — бугун Анварнинг ўзи бошқа ёшларга маслаҳат бераётганига гувоҳ бўляпман.

Шундай воқеаларни кўриб, бир фикрга амин бўлдим: ёшга фақат имконият эмас, ишонч ҳам керак. Баъзан битта суҳбат, битта йўналтириш катта ўзгаришларга сабаб бўлади. Шу боис маҳалламизда янги ташаббусларни йўлга қўйиш ниятидаман: “Бир кўча – бир лойиха”, “Ёш фермер кунда-

лиги” ва “Ғоядан даромадгача” учрашувлари. Бу орқали тажрибали ёшлар бошқаларга йўл кўрсатади, янги ташаббуслар эса қозғоғда эмас, амалда натижа беради.

Бу ишлар мени янада масъулиятли қилди. Асосий мақсадим — маҳалламиздаги ҳар бир ёшнинг ичидаги имкониятни кўра олиш, уни қўллаб-қувватлаш ва келажакда ўз йўлини топган, жамиятга фойдали инсон бўлиб етишишига ҳисса қўшишдир. Чунки бугун қўллаб-қувватланган ёш — эртага ўнлаб инсонларга имконият яратадиган кучга айланиши мумкин.

НИГОҲ

Маҳқумлар сақланадиган, қаттиқ қўриқланадиган муассасага кирган одам аввал баланд деворларни, тиканли симларни кўради. Аммо бироздан кейин кўз бошқа нарсани ҳам илғайди — бу деворлар орасида ҳали ҳаётнинг ҳақиқий мазасини татиб улгурмаган ёшлар бор...

ПАНЖАРА ОРТИДАГИ УМИД УЧҚУНИ: ХАТОДАН КЕЙИН ҲАМ ҲАЁТ БОР...

Ҳилола МАҲМУДОВА.

Кимнингдир кўзида афсус, кимникида умид, яна кимдир хали ҳам ҳаётга нисбатан бефарқлик кўринади. Бу ерда бой ҳам, камбағал ҳам, билимли ҳам, билимсиз ҳам бир хил кийимда. Уларнинг барчасини бирлаштириб турган нарса — қилган ҳатоси ва шу хато учун ўтаётган жазоси...

Лекин ҳар бир инсоннинг ичида яна бир ҳақиқат ҳам яшайди: инсон ўзгариши мумкин. Кўпчилик маҳқумликни фақат жазо, деб тушунади. Аслида, жазонинг яна бир муҳим жиҳати бор — инсонни ҳаётга қайтариш. Агар жазо муддати тугагач, инсон яна ўша муҳитга, ўша билими ва имкониятсизлиги билан қайтса, унинг яна адашиб кетиш эҳтимоли юқори бўлади.

Шу жиҳатдан қараганда, “Жазони ижро этиш муассасаларидаги ёшларни замонавий касбларга ўқитишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори ёшлар учун янги йўл очадиган ташаббусга айланган. Қарор асосида амалга оширилаётган “Иккинчи имкон” ижтимоий реабилитация миллий лойихаси номининг ўзи ҳам кўп нарсани англайди. Чунки баъзан инсонга жазодан ҳам кўра кўпроқ имконият керак бўлади.

...Темир панжара ортида ўтирган ҳар бир ёш орзусини кўмиб яшашга маҳқум эмас. Агар унга билим берилса, ишонч берилса, эртага у бошқалар учун ибрат ҳам бўлиши мумкин. Баланд деворлар инсонни тўхтайтиши мумкин. Аммо билим, умид ва имконият олдида ҳеч қандай девор узоқ туролмайди. “Иккинчи имкон” лойихасининг энг катта аҳамияти ҳам шунда — у жазони эмас, келажакни яратади.

Қарорга мувофиқ, 2026 йил 1 июндан Тошкент, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида лойиханинг дастлабки босқичи йўлга қўйилди. Кейинчалик бутун республика бўйлаб ёш маҳқумларни замонавий рақамли касбларга ўқитиш тизими жорий этилади.



ТАЪЛИМ

СЕРТИФИКАТ — ИМТИЁЗ ЭМАС, ИМКОНИЯТ ЭШИГИ!

Адлия вазирлиги хорижий тиллар ва умумтаълим фанларини билиш даражасини белгилловчи сертификатлар рўйхатига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказди.

Янги тартибга қўра, инглиз тили бўйича “TOEFL iBT” сертификати натижалари энди 1-6 баллик мувофиқлик тизими асосида баҳоланади. Бу эса халқаро сертификатларни миллий таълим тизими билан уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, бакалавриятда чет тили фани мавжуд бўлган таълим йўналишларига қабул жараёнида “В1” даражадаги миллий ёки халқаро сертификатга эга абитуриентларга мазкур фан бўйича энг юқори баллнинг 75 фоизи тўғридан-тўғри берилади. Бу иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг меҳнатини муносиб баҳолашга хизмат қилади.

Педагоглар учун ҳам муҳим ўзгаришлар назарда тутилган. Энди “TKT”, “TESOL”, “TEFL” ва “TESL” сертификатлари бўйича устама тўлашда уларнинг амал қилиш муддати инобатга олинади. Касбий таълим ташкилотларида хорижий тилда махсус фан ўқитадиган педагогларга “B2” даражаси сертификат учун 50 фоиз, “C1” даражаси сертификат учун эса 100 фоизлик ҳар ойлик устама жорий этилди.



Бундан ташқари, ўқитувчилар учун “Digital SAT” имтиҳонининг математика бўлимида 750 ва ундан юқори балл олиш ҳам устама тайинлаш учун асос бўлади. Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа маданияти ва жисмоний тарбия ўқитувчиларига эса “B+” ва ундан юқори даражадаги сертификатлар учун қўшимча рағбатлантириш чоралари белгиланди.

Мазкур янгилıklar таълим соҳасида сифатини ошириш, педагогларни қўллаб-қувватлаш ва ёшларнинг халқаро даражада рақобатбардошлигини кучайтиришга хизмат қилиши кутилмоқда.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ЖАЛИЛОВА тайёрлади.

ЁШЛАР СўРАЙДИ...

ЁШ ОИЛА ИПОТЕКА БўЙИЧА СОЛИҚНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШИ МУМКИНМИ?

Бобур Йўлдошев, Андихон вилояти:

— Биз ёш оиламиз. Иккиламчи бозордан ипотека кредити асосида уй сотиб олганмиз. Ушбу ипотека бўйича амалдаги имтиёزلардан фойдаланиб, иш ҳақидан ушлаб қолинган даромад солиғини қайтариб олиш ҳуқуқига эгамизми?



Карим ОРТИҚОВ, ипотека ва солиқ имтиёзлари бўйича адвокат:

— Агар сиз ёш оила сифатида ипотека кредити асосида уй-жой сотиб олган бўлсангиз, Солиқ кодексининг 378-моддасига мувофиқ, ипотека кредити бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни тўлашга йўналтирилган даромадларингиз учун жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи имтиёзидан фойдаланишнинг имконияти мавжуд. Бунда уй-жойнинг бирламчи ёки иккиламчи бозордан сотиб олингани аҳамиятга эга эмас.

Агар ипотека кредити расмийлаштирилган вақтда эр-хотиндан камида бири 30 ёшга тўлмаган бўлса, мазкур имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз. Бунда давлат субсидиясини олган бўлиш шарт эмас.

Имтиёздан икки тартибда фойдаланиш мумкин. Биринчиси, иш бевуви орқали. Бунинг учун бухгалтерияга ипотека шартномаси, кредит тўлов жадвали, никоҳ гувоҳномаси ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади. Шундан сўнг даромад солиғи ушлаб қолинмайди. Иккинчи тартиб солиқ ташкилотлари орқали амалга оширилади. Агар аввал даромад солиғи ушлаб қолинган бўлса, солиқ органига ёки электрон солиқ хизматлари орқали декларация топшириб, ортиқча тўланган солиқни қайтаришни сўраш мумкин.

Ўқувлар 8-12 ойлик интенсив дастурлар асосида ташкил қилинади. Бу шунчаки вақт ўтказиш учун эмас — ҳақиқий касб ўргатишга қаратилган. Энг муҳими, бу ерда фақат касб эмас, чет тиллари ҳам ўқитилади. Инглиз, рус, хитой каби тилларни билиш бугунги кунда оддий кўникма бўлиб қолмай, балки иш топиш, ўзини топиш имконияти ҳамдир.

Бу қарор нимани ўзгартиради? Аввало, маҳқумликка бўлган қарашни ўзгартиради. Жамиятда кўп ҳолатда панжара ортидан чиққан одамга ишонч билан қаралмайди. Унга иш беришдан қўрқилади, уни қабул қилиш қийин кечади. Натижада у яна ўша муҳитга қайтиб қолади. Янги тизим эса инсонни тайёр ҳолда жамиятга қайта чиқаришни мақсад қилляпти.

Тасаввур қилинг: кеча хато қилган йигит бугун дастурлашни ўрганди, тил ўрганди, сертификат олди. Эртага у иш топса, оиласига суянч бўлса, унга нисбатан жамиятда ишонч пайдо бўлади. Иккинчидан, бу қарор ёшларнинг вақти ва фикрини ўзгартиради. Ёпиқ эшиклар ортидаги энг оғир нарса вақтнинг ўтиши эмас, инсоннинг ўзини кераксиз ҳис қилиши. Ўқиш, янги билим олиш эса инсонга ўзини яна қадрли ҳис қилиш имконини беради.

Албатта, битта имконнинг ўзи билан ҳамма муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Курс тугади, сертификат берилди — иш шу билан тугамайди. Озодликка чиққан ёшларни иш билан таъминлаш, жамиятга мослаштириш, уларга иккинчи имкониятни ҳақиқатда бериш ҳам муҳим. Чунки ҳар бир инсоннинг ҳаётида бир марта бўлса ҳам адашиш бўлиши мумкин. Аммо ҳар ким ҳам ўз ҳаётини қайта бошлаш имкониятига эга бўлавермайди.



Ўзбекистонда 2026-2028 йилларда 172 минг гектар майдонда саноат усулидаги ИНТЕНСИВ МЕВАЛИ БОҒЛАР ташкил этилади.



Ўзбекистонда хорижлик инвесторлар учун ЕР ИЖРАСИ МУДДАТИНИ 49 ЙИЛГАЧА узайтириш таклиф этилди.



Ўзбекистонда 1 сентябрдан ПАЛЛИАТИВ ВА ХОСПИС ЁРДАМИНИНГ ягона тизими жорий этилади.

6

Mahalla №47

2026 йил 13 июнь, ШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

Ижтимоий ҳимоя соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали ёрдамнинг ҳақиқатан муҳтож инсонларга етиб бориши, қарор қабул қилиш жараёнлари инсон омили таъсиридан ҳоли бўлишига эришилмоқда.



Рақамли танлов — ҳақиқий муҳтожларга энг холис кўмак

Тимур БАЙБИКОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Навоий вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Хусусан, Навоий вилоятида мазкур тизим орқали “Саховат ва кўмак” жамғармаси 3 901 нафар фуқарога 5 миллиард 700 миллион сўм маблағ ажратди.

Кармана туманидаги “Наврўз” маҳалласида яшовчи Озода Одилова ҳам ана шундай имконият, кўмак туфайли бугун ўз орзусига етди. Ногиронлиги бор фарзандини ёлғиз ўзи парваришлаб келатгани боис уй-жойини таъмирлашга имкони йўқ эди. Ижтимоий ҳимоя тизимидаги ислохотлар натижасида бу оиллага ҳам эътибор қаратилиб, мавжуд масаласи ўз ечимини топди. Муҳими, оила вакилларининг кўнгилга шодлик кирди, эртанги кунига умиди мустаҳкамланди.

Мазкур тумanning “Нарпай” маҳалласида яшовчи Хуррият Пўлатова ва унинг турмуш ўртоғида ногиронлик мавжуд. Уй-жой таъмирига ёрдам кўрсатилиши натижасида хонадон вакилларининг муаммоларига ечим топилди. Бундан ташқари, Хуррият опага тикув машинаси олиб берилгани оиллага кўшимча даромад топиш имконини берди. Бугун унинг кўли-кўлига тегмай, кўрпа-тўшак, турли либослар тикиб, яхшигина даромадга эга бўляпти.

Маҳаллада фаолият юритаётган ижтимоий ходимлар нафақат хизмат кўрсатувчи, балки оғир ҳаётий вазиятга тушган оилаларнинг яқин кўмакчиси, маслаҳатдоши ва ишончли таянчи сифатида муҳим ўрин тутди. Улар аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва жамиятда соғлом муҳитни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Бола кулса, яшнайдди олам, осмон мункаяди гар чекса алам

Бугунги кунда Бухоро вилоятида вояга етмаган болалар сони 709 минг 320 нафарни ташкил этади. 23 ёшгача бўлган етим ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган ёшлар эса 418 нафардан иборат.

Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилган, вояга етмаган болаларга вазий ва ҳолий тайинлаш ваколати “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига берилди. Натижада 6 069 нафар болага вазий ёки ҳолий тайинланди. Яна 55 нафар бола оилаларга жойлаштирилди.

Болаларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Утган давр мобайнида қарийб 70 нафар бола олий таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга киришга муваффақ бўлди. Жорий йилда эса яна 49 нафар абитуриентнинг ушбу имкониятдан фойдаланиши кутилмоқда.



ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

ҲАР КҮНГИЛГА МУРУВВАТ ЭНГ МАЪҚУЛ МАЛҲАМ



Маҳалла идораси ўз уйимдек бўлиб қолган. Инсонийлик ва меҳр-мурувватга йўғрилган масканга доим ошиқаман. Одамлар билан суҳбатлашиш жараёнида билмаган нарсаларимни ўрганаман. Янада кенгроқ кўламда иш олиб боришим кераклигини тушунаман.



Сарваржон РИСБОЕВ, Қуйи Чирчиқ туманидаги “Тинчлик” маҳалласи ижтимоий ходими.

Айни вақтда маҳалламизда 845 та оила, 656 та хонадон мавжуд бўлиб, 59 нафар ногиронлиги бўлган шахс рўйхатга олинган. Эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтириш доимий эътибор марказимизда.

Айниқса, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳаётга фаол жалб этиш борасида хайрли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Комила Мансурова хонадони Ижтимоий

ий реестрга киритилган бўлиб, кизи Дилдора Мирзамаҳмудова ва набираси Муҳаммадюнус Зокировда ногиронлиги бўлгани сабабли оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган эди.

Бироқ Комила опанинг ҳаётга бўлган ишончи ва меҳнатсеварлиги бу вазиятдан чиқишга ёрдам берди. Аёл мономарказда тахсил олиб, тикувчилик маҳоратини янада оширди. Бугунги кунда у маҳалла биносида ташкил этилган ёшлар ўқув марказида кам таъминланган оила фарзандлари ва хотин-қизларга

тикувчилик сирларини ўргатиб келмоқда.

Шу билан бирга, кизи Дилдора “ахборот технологиялари” йўналишида касб ўрганишига йўналтирилди ҳамда тиббий соғломлаштириш хизматлари билан қамраб олинди. Набираси Муҳаммадюнусга махсус ногиронлик аравачаси тақдим этилди ва Кундузги парвариш марказига жойлаштирилди.

Яна бир фуқаро Ўғилхон Одилонова ва унинг икки нафар фарзанди имконияти чекланганлиги сабабли Ижтимоий реестрга киритилган. Олиб борилган ишлар натижасида фарзанди Муҳаммадали Кундузги парвариш марказига жойлаштирилди. Яна бир ўғли Сулаймон эса спорт тўғрисида жалб қилиниб, буш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур шароитлар яратилди. Оила вакилларининг тиббий эҳтиёжи учун моддий ёрдам ажратилди.

Амалга ошириляётган бундай эзгу ишлар инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотлар амалда ўз самарасини бераётганини яна бир бор тасдиқлайди.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУЖАЕВА тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Камол ЙЎЛДОШЕВ, Қашқадарё вилояти:

— Ижтимоий реестрга кириш тартиби қандай? Оиланинг иқтисодий ҳолати ва даромади қай усулда ҳисобланади?

Сардор ҚАҲҚОРОВ,

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси бош мутахассиси:

— Эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ижтимоий реестрга киритиш жараёни тўлиқ шаффоф ва электрон тизим асосида амалга оширилади.

Ариза топшириш усуллари:

- ✓ Давлат хизматлари марказлари;
- ✓ “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази;
- ✓ Маҳалладаги ижтимоий ходим орқали;
- ✓ ty.gov.uz портали ёки “Баракка” иловаси орқали онлайн.

ИЖТИМОЙ РЕЕСТРГА КИРИШ ТАЛАБЛАРИ ҚАНДАЙ?

Ариза қабул қилинган, электрон маълумотлар асосида дастлабки баҳолаш ўтказилади. Кейин ижтимоий ходим оила шароитини ўрганади ва “маҳалла еттилиги” хулосаси шакллантирилади.

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик даромад сўнги 3 ойлик маълумотлар асосида ҳисобланади. Ҳисоб-китобда иш ҳақи, мулкӣ даромадлар, алиментлар, пул ўтказмалари, нафақа каби даромадлар инобатга олинади.

Бироқ қонунчиликда белгиланган айрим нафақалар, моддий ёрдамлар, ва бошқа ижтимоий тўловлар даромад ҳисобидан инобатга олинмайди.

Яқини баҳолаш натижасига кўра, муурожаатчилар давлат таъминотидаги, камбағал ва камбағаллик чегарасидаги оила тоифаларига ажратилади.

Болаларни зўравонлик, ҳуқуқбузарлик ва турли салбий ҳолатлардан ҳимоя қилиш мақсадида 2 та “Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак маркази” фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу марказлар орқали мураккаб вазиятга тушиб қолган болаларга тезкор ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда.

Жорий йилда ҳам ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилади. Хусусан, “Ёшларга ҳамроҳлик” дастури доирасида 418 нафар боланинг ижтимоийлашувини таъминлаш, уларни фан ва спорт тўғрисида, хорижий тил, касб-хўнар ҳамда санъат йўналишларига кенг жалб этиш режалаштирилган. Шунингдек, 1 437 нафар болага вазийлик, 642 нафар болага ҳолийлик тайинлаш, 49 нафар боланинг олий таълимга имтиёз асосида киришини таъминлаш, оилавий болалар уйларида тарбияланаётган 17 нафар болани ўз оиласи ёки яқин қариндошлари бағрига қайтариш чоралари кўрилади.

Ғиждувон туманида яна 1 та тутилган оила ташкил этилиши, 26 нафар уй-жойга муҳтож боланинг уй билан таъминлиниши, “Она уйи” фаолиятини кенгайтириш ҳамда зўравонликка учраган болаларга тезкор ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича ишлар давом эттирилади.

Бир сўз билан айтганда, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг бахтли болалик ва муносиб келажақ сари дадил қадам ташлашлари учун кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур сайё-ҳаракатлар ҳар бир боланинг оила бағрида, меҳр ва эътибор муҳитида улғайишига хизмат қилмоқда.



Тошкент — Андижон автомобиль йўлининг Оҳангарондан ўтган қисмида ЭНГ ЮҚОРИ ТЕЗЛИК ПАСАЙТИРИЛДИ.



Ўзбекистонда УЛУШЛИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИДА ЭСКРОУ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ.



Швеция ва Ўзбекистон ўртасида илк бор МИГРАЦИЯ СОҲАСИДА БИТИМ имзоланди.

2026 йил 13 июнь, ШАНБА

Mahalla №47

7



ТОШКЕНТ В.

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“МЕН РАИС БЎЛИБ ЭМАС, ХИЗМАТ ҚИЛИБ ТАНИЛДИМ”

Икки йил олдин маҳалламиз раиси сифатида фаолият бошлаганимда бугунги натижаларни тасаввур қилардим, лекин бунинг учун шунча меҳнат, сабр ва бирдамлик керак бўлишини чуқур ҳис қилмаган эканман. Уша пайтдаги маҳалла манзараси бугунгидан анча фарқ қиларди — ариқлар тартибсиз, симёғочлар эскириб қолган, электр токида узилишлар кузатиларди...

Иброҳим ИСЛОМОВ, Ўрта Чирчиқ туманидаги “Чангтепа” маҳалласи раиси.

Шу ҳолатларни кўриб, олдимга битта мақсад кўйдим: маҳалла-миэни энг намунали, яшаш учун қулай худудлардан бирига айлантириш. Одамлар учун шароит яратиш, уларнинг муаммосига ечим топиш ва имкон қадар фойда келтиришни ният қилдим. Бугун ортга қараб, чин дилдан қилинган ният ва биргаликдаги ҳаракат, албатта, натижа беришини айта оламман.

Маҳалламизда 404 та хонадон истикомат қилади. Энг катта ютуғимиз — одамларнинг тинч-тотувлиги. Оилавий ажралишлар йўқ, жиноятчилик ҳолатлари кузатилмайди.

Бугун мен Тошкент вилоятидаги энг ёш маҳалла раисларидан бири сифатида фаолият юритаман. Яқин кунларда 38 ёшни қарши оламман. Аммо бу йўл мен учун қўтилмаган ёки тасодифий танлов бўлмаган. Раис бўлишдан анча олдин ҳам маҳалланинг оддий фуқароси сифатида яшаб, шу ерда ўзгаришлар бўлишини чин дилдан истардим. Имкон қадар фойдали бўлишга, кичик бўлса-да, ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қилардим.



Охирги икки йилда инфратузилма яхшиланди, ташландиқ ерлар қолмади, маҳаллага келадиган сув йўллари бетонлаштирилди. Ҳозир олдимизда яна муҳим вазифалар турибди — қолган тўртта кўчани асфальтлаш ва болалар ўйингоҳини замонавий кўринишга келтириш устида ишляяпмиз. Мен учун ривожланиш ҳеч қачон яқунланадиган жараён эмас.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

ҚОНУНИ ТУШУНТИРМАЙ, ТАРТИБНИ ТАЛАБ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ

Кўпчиликнинг тасавурида солиқ инспектори деганда, кўлида қоғоз кўтариб юрган, камчилик кидирадиган ёки фақат жарима ёзадиган ходим гавдаланади. Лекин амалда бизнинг фаолиятимизнинг энг катта қисми стол ортида эмас, одамлар орасида ўтади. Чунки солиқни тушунтирмасдан туриб, тартибни талаб қилиб бўлмайди.

Бобур ЗИЁДУЛЛАЕВ, Пахтакор туманидаги “Ғалаба”, “Дўстлик”, “Оқбулок” маҳалллари солиқ инспектори.

Бир кун эрталаб одадгаидек иш бошлагандик. Телефон жиринглади. Маҳалладаги хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган тадбиркорлардан бири биров хавотир билан кўнгирак қилди: “Ака, тизимда қизил ёзув чиқиб қолди. Жарима бўлиб кетмадимми?” Бордик. Маълум бўлишича, бир неча ой олдин сартарошхона очган экан. Иши юришиб кетган, мижоз кўпайган, лекин тадбиркорликни очган, кейинги мажбуриятларни иккинчи ўринга суриб қўйган. Узининг айтишича, солиқларни йил охирида бир йўла тўламоқчи бўлган. Аслида эса ойма-ой ҳисобот бериш, фаолиятни тизимга киритиб бориш керак. Энг қизиғи, ходимлари ҳам бор экан. Уч киши ишлаётган, лекин ҳужжатда биттаси кўрсатилган. Ўзи буни яшириш учун эмас, билмаганидан қилган. Шундай пайтда фақат қондан эслатиш осон. Лекин масала ечилмайди.



ЖИЗСАХ



Бугунги солиқ тизимида назоратдан ҳам кўра тушунтириш муҳимроқ. Одам билса — хато қилмайди. Тадбиркор тушунса — иши юришади. Бизнинг вазифа ҳам айнан шу: аҳолини жаримага тортиш эмас, уларга йўл кўрсатиш, тиргак бўлиш.

Столга ўтирдик, компьютерни очдик. “Биллинг” тизимини кўрсатдим. Қайси жойдан қарздорлик чиқади, қайси ерда ҳисобот топширилади, тўловлар қандай кузатилади — барчасини амалда кўрсатдик. Биргаликда ҳисоботларни тикладик. Ходимларни тўлик расмийлаштириш бўйича тушунтирдик, муддатларини таквим қилиб бердик. Шундай сўнг орадан икки ой ўтиб, яна учрашдик. Бу сафар у муаммо билан эмас, фаолиятини кўрсатиш учун қақирди. Авваллари ҳар ой ҳисобот ва тўлов масалалари сабаб ичида хавотир бўлиб юришини, ҳозир эса ҳамма жараён тартибга тушгани, ҳисоботларни вақтида топшириб, тўловларни кузатиб бораётгани учун хотиржам ишлаётганини айтди.

Шундай воқеалардан кейин тушунамани, бизнинг иш фақат қонунларни эслатиш эмас, одамларни йўналтириш ҳамдир. Шу боис ҳудудда махсус жадвал асосида тушунтириш ишлари олиб борамиз. Бугун бир маҳалла, эртага бошқаси... Фуқаролар билан учрашамиз, саволларига жавоб берамиз. Кимдир ер солиғини сўрайди, кимдир ҳисоб-китобни, яна кимдир тадбиркорликни энди бошлаётган бўлади. Маҳалланинг ижтимоий тармоқларда гуруҳлари ташкил қилинган. Солиқдаги янгиликлар, муддатлар, электрон тизимдаги ўзгаришлар мунтазам улашिलाди. Телефон орқали ҳам муносабатлар қабул қилинади.

Шу ният билан маҳалламиздаги эски қабристон биносини қайта таъмирлаш ташаббусини кўтардим. Нурунийлар ва фаоллар билан бирлашиб, уни янгидан бунёд этдик. Орадан кўп ўтмай, раислик сайловлари бошланди. Ушанда маҳалла катталари: “Сен ёш, шижоатли, энг муҳими — маҳаллага меҳр билан қарайсан”, деб номзодимни илгари суришди. Шу тарихқа менга ишонч билдирилди ва бу масъулиятли вазифа ишониб топширилди.

Бугун иш услублари ҳам ўзгарган — кўлаб жараёнлар электрон тизимга ўтган. Шу сабабли ҳамкасб раисларга замонавий тизимлар билан ишлашни ўргатдим. Улар эса менга ҳаётини тажрибасини улашди: одамлар билан ишлаш, муаммоларни тинглаш ва тўғри ечим топиш сирларидан сабоқ беришди. Бу ўзаро тажриба алмасуви мени янада чиниктирди.

Маҳалламиз аҳолисининг қарийб 70 фоизи деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Ҳар бир қарич ер қадри. Помидор, картошка, маккажўхори каби экинлар етиштирилади. Деярли ҳар бир оилада камда битта чорва моллари бор. Томорқачилик эса бизга ота-боболаримиздан қолган ҳаёт мактаби. Ёшлар ҳам шу анъанани давом эттирмакда. Уларга ажратилган ер майдонларидан унумли фойдаланишмоқда.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Алишер УМАРОВ, Сирдарё вилояти:

— Мен савдо марказида жойлашган дўконни ижарага олганман. Шартномага кўра, ижара ҳақи ҳар ойда белгиланган қатъий сумма эмас, балки товар айланмасидан маълум фоиз ҳисобидан тўланади. Шу каби кўчмас мулк ижара шартномасини “Е-ijaga” тизимида ҳисобга қўйиш мумкинми?

Айланмадан ижара ҳақи тўланса, шартнома ҳисобга қўйиладими?

Сухроб ТАВБОВЕВ, Сирдарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи:


— Ҳа, мумкин. Бунинг учун сиз ижара шартномасини “Е-ijaga” тизимида ҳисобга қўйиш жараёнида “Товар айланмасидан ижара тўлови” бандини танлашингиз ва товар айланмасидан ундириладиган ижара тўлови миқдорини кўрсатишингиз лозим.

Шуни инобатга олинган, агар ижара тўловингиз амалдаги энг паст ижара миқдоридан кам бўлса, ижарага беришдан олдин даромад бўйича солиқ қайта ҳисобланади. Шартнома тасдиқлангач, у солиқ ташкилотларида ҳисобга қўйилади. Ҳисобга қўйилгани тўғрисидаги гувоҳномада ижара тўловининг товар айланмасидан ҳисобланиши ҳақидаги маълумот ҳамда белгиланган ижара миқдори акс этади.

ХОТИРА

Инсонлар борки, ибратли ва мазмунли ҳаёти билан келгуси авлодга ҳар томонлама ўрнатқ бўлади. Улар юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўяди. “Дўстлик” ордени соҳибаси Любов Никитина ҳам ана шундай умри мазмунга бой, қилган ишлари элга манфаатли юртдошларимиздан бўлган. Агар устоз тирик бўлганда, бугун саксон ёшни қаршилар эди...

У киши Андижон давлат тиббиёт институтини татомлаб, бутун умрини хирургия хизматининг энг оғир йўналиши, яъни йирингли септик хирургия ихтисослигига бағишлади. Бугун Фарғона вилояти тиббиёт соҳаси устозининг номи билан бевосита боғланади. Жаррохлик соҳасида ўз мактабини яратиш баробарида юзлаб шифокорларга билим беришдан чарчамади. Муҳими, беморларнинг энг яқин инсонига айланди. Дардига шифо топган минглаб инсонлар у кишини “Онажон”, деб ҳурмат ва эҳтиром билан эслашлари бежиз эмас.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

УМРНИ ЯХШИЛИКЛАР БЕЗАБ ТУРАДИ

Одилжон УМАРОВ, Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори.

Маҳалла-кўй, оилада ҳам ибрат ҳамда намуна эдилар. Ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, тиббиёт йўлидаги тинмай изланишлари, ёшларга нисбатан хайрихолик, меҳрибонлиги, ҳар қадамда қўллашга уринишлари билан ажралиб турардилар. Бу хислатлар биз шоғирдларига ўрнатқ ва ёрқин намуна, десам муболаға бўлмайди. Шу боис бугун Фарғона шаҳридаги “Ифтихор” маҳалласи аҳли ҳам устозни яхши хотиралар билан эслашади. У киши билан ўтказган ҳар бир суҳбат кишининг руҳиятини кўтаришга хизмат қилар эди. Шаҳсан менда илмий ишдан ташқари, оила, маҳалла ҳаётида ҳам фаолликлари хайрат ва ҳавас уйғотар эди.

Устозни эслаганда кўз ўнгимизда юксак фазилатлар эгаси, зиёли, билими ва меҳри оқар чашмадек тўлиб-тошган инсон гавдаланади. Умрларининг охиригача илмга садоқат, шижоат, изчилликнинг сусаймагани, ёш авлодни тарбиялаш, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўргатишлари, меҳнат фаолиятида, илм йўлида берган насиҳатлари ва қўллаб-қувватлашлари кўпчиликнинг қалбидан бутун умр сақланиб қолиши, шубҳасиздир.



БОЛАЛАРГА ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ БОШҚАРИШГА РУХСАТ БЕРГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ.



САМАРҚАНДАДА СОБИҚ ИИБ ХОДИМИНИ ИШГА ТИКЛАШ УЧУН ПУЛ ОЛГАН ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ УШЛАНДИ.



ЎЗБЕКИСТОНДА НАРКОЛАБОРАТОРИЯ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА НАРКОТИК САВДОСИГА РАХНАМОЛИК УЧУН АЛОҲИДА ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНАДИ.

8

Mahalla №47

2026 ЙИЛ 13 ИЮНЬ, ШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



ХАВФСИЗ МУҲИТ

ТАРТИБ БОР ЖОЙДА, ТАРАҚҚИЁТ ҲАМ БЎЛАДИ

Кўнгил хотиржамлиги ҳар нарсадан муҳим. Дарҳақиқат, кечаси уйқуси тинч ва осуда кечган инсон эртанги кунга ишонч ва мақсад билан уйғонади. Ишдаги унум-барак, турмушдаги фаровонлик ҳам шундан. Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади, дейди халқимиз. Тасаввур қилинг, бир кунги жанжал ёки қалтис ҳаракат хонадонга, маҳаллага, мамлакатга қанча зиён етказиши?!



Дилшод МАННОНОВ, Юнусобод туманидаги “Кулолқўрғон” маҳалласи профилактика инспектори.

Кўнгилсиз бир ҳолат туфайли инсон ҳаёти пароканда бўлиши, оила аъзоларини йўқотиши, маҳалла нотинчлиги ва бунинг оқибатини бартараф этиш учун сарфланадиган маблағ — давлат бюджетига етказиладиган зарар миқдорини кўз олдимизга келтирсак, тинчлик-осойишталик қанчалар бебаҳо неъмат эканини англаймиз.

Сўнгги икки йилдан бери 5 минг нафардан ортиқ аҳоли хотиржамликда умргузаронлик қилиб келмоқда. Бунинг замирида ёшу қари, каттаю, кичик, “еттилик” ходимларининг бирдамлиги ётибди. Маҳалла раиси Сухбатилла Абдиев бошчилигида ташкилот ва корхоналар мутасаддилари билан узвий ҳамкорлик ўрнатганми.

Маҳалладаги ҳар бир кунимни шу мезон асосида ташкил этаман. Одамларнинг тинч ва хотиржам яшашидан куч оламан. “Еттилик” билан ҳамкорликда, аввало, ҳудудда, тартиб-интизомни жойига қўйганми. Чунки тартиб бор жойда, тараққиёт ҳам бўлади.

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

“Ҳеч қандай мажлис ва тадбирларга жалб этилмаганмиз”



Шерзод ЭРГАШЕВ, Бўстонлик туманидаги “Қоронқул” маҳалласи профилактика инспектори.

Агар профилактика инспектори ўз ҳудудида қанча кўп вақт бўлса, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар шунча камайди. Кейинги пайтда маҳалламизда мана шу амалиёт қўллангани аҳоли натижа берди. Ҳеч қандай мажлису тадбирларга жалб этилмаганмиз.

воқеа-ҳодисаларни узлуқсиз кузатиб бориш, муаммонинг бевосита бошланғич нуқтасидан хабардор бўлиш ва бартараф этишга хизмат қилапти.

Кўш уясида кўрганини қилади, деганларидек, оиладаги маънавий муҳит фарзанд тарбиясида яққол кўзга ташланади. Муносабатларда муаммоси бўлган, масъулиятсиз ота-она келгуси ноҳуси вазиятларга замин тайёрлайди. Шу боис ҳар қандай жиноят ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, аввало, оиладан бошлаяпмиз.

Кўни-кўшничилик муносабатларига алоҳида эътибор бераяпмиз. Тинчлик ва осойишталикни таъминлашда бу жуда муҳим омил. Чунки яхши-ёмон кунларда инсон ҳамфикр, ҳамдард кидириб қолади. Кўпинча улар оила бағридан топилса-да, яна кимнидир кутамиз, қадамга интиқ бўламиз. Бу — кўшнимиз. Қолаверса, хавфсизлик йўлида кексаларнинг кўмағига таянганми. Улар ҳар бир ҳолатга эътиборли. Ўтган-кетганларни суриштирадиган, сўроққа тутадиган ёши улуг отахон ёки онахонлар болаларнинг ортиқча шўхлик қилишига, экинларни пайхон этиб, дарахт шохларини синдиришига йўл қўймайди. Балки бу кимгадир ёқмас, аммо профилактика ишларида ана шундай “маҳалла назоратчи”ларининг ўз ўрни бор.

Ҳақиқатда айрим ходимларнинг иш оғирлигидан нолиганига гувоҳ бўламиз. Менимча, улар ваколат ва ҳуқуқларини, аҳоли билан ишлашни яхши йўлга қўймайди. Фуқаролар йўғини таркибидеги жамоатчилик кенгашларидан самарали фойдаланмайди. Бу бўшлиқ, айниқса, нотинч, ажралиш ёқасида турган оилалар, жиноят содир этишга мойил ёки аъзолари ўз жонига суиқасд қилган, узок муддатга хорижга ишлаш учун кетган, жазони ижро этиш муассасаларидаги фуқароларнинг оилалари билан ишлашда муаммоларни юзага келтирадиган. Ўзим ана шу ҳолатдан хулоса чиқариб, ажралиш, оилавий низолар масалалар, кўчалар, хонадонлар кесимидаги муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик кўмағига таянман.

Ушбу сондаги барча мақолалар матнлари мусахҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Салима ФАЙЗИЕВА, Чилонзор тумани:

— Маҳаллаларда оилавий низолар, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар кўп ҳолларда оилавий зўравонлик кўринишида бўлади. Одатда эркаклар аёлига жисмоний куч ишлатиши ёки қўрқитади. Бу каби ҳаракатлар учун қандай жавобгарлик белгиланган?




Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Оилавий зўравонлик учун қандай чора белгиланган?

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— Юртимизда ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эга. Хусусан, оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, жамият ва давлат муҳофазасида экани Конституция билан мустаҳкамланган.

Бундан ташқари, оилавий зўравонлик ҳолати Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59-2-моддасига асосан маънавий, унга қўра, хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган ёки умумий фарзанда эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таъ-



лим олиш, соғлиқни сақлаш ва меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулки ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, ҳудди шунингдек, ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашуви-га олиб келган тарзда, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш каби жиноят аломатлари бўлмаса, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача жарима солишига ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Башарти, бу ҳаракатлар шахсни дўппослаш, соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашуви-га ёки меҳнат қобилиятининг унча узок бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш бўлса ҳам шу шаклда жазо белгиланган.

Кун давомида фуқаролар билан биргамиз. Керак бўлса, 24 соат аҳоли хизматида.

Яшаш уйим ҳам маҳалла биноси ёнида жойлашган. Ҳудудимиз сўлим табиати билан қўллаб маҳаллий ва хорижий сайёҳларни ўзига жалб этиб келмоқда. Бу ерда 3 та оромгоҳ жойлашган. Туризм яхши ривожланган. Табиийки, бунинг ўзига яраша масъулият ҳам бор.

“Хавфсиз туризм” лойиҳаси доирасида муҳим объекتلарга видеокузатув қўрилмаларини ўрнатдик. Шу билан бирга, тирбандликларнинг олдини олиш учун ноқонуний тўхташ ва тўхтаб туриш қоидабузарликларини аниқловчи, тезликни ўлчовчи ускуна, автотранспорт оқимини ҳисобловчи ва давлат рақамини аниқловчи, фото-видео қайд этиш ҳамда ёнгиндан хабар берувчи қўрилмалар мавжуд. Бу дам олувчилар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартиби ҳамда йўл ҳаракати қоидаларини бузилишининг олдини олиш,



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.

Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.

Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 бт. 8 919 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-620

ISSN 2000-7023